O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 930

***Серехан АЛЛАМУРАТОВА,***
*Ассистент Каракалпакский государственный университет*
*E-mail:allamurotova@mail.ru*

*По рецензии кандидат исторических наук,доцент Б.Миркомилова*

**ISSUES OF GENDER POLICY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Annotation
This article discusses the protection of the rights and interests of women, increasing the socio-political activity of women in the life of our country, creating broad opportunities for them, ensuring gender equality, from the point of view of the modern development of Uzbek society.
**Key words:** Women, women's issue, women's entrepreneurship, women's activities, socio-economic conditions, professional career, family.

**ВОПРОСЫ ГЕНДЕРНОЙ ПОЛИТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.**

Аннотация
В данной статье рассматриваются защита прав и интересов женщин, повышение общественно-политической активности женщин в жизни нашей страны, создание для них широких возможностей, обеспечение гендерного равенства, с точки зрения современного развития узбекистанского общества.
**Ключевые слова:** женщины, женский вопрос, женское предпринимательство, деятельность женщин, социально-экономические условия, профессиональная карьера, семья.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI GENDER SIYOSATI MASALALARI**

Annotatsiya
Ushbu maqolada xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, mamlakatimiz hayotida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularga keng imkoniyatlar yaratish, gender tenglikni ta’minlash, o’zbek jamiyatining zamonaviy rivojlanishi nuqtai nazaridan ko’rib chiqiladi.
**Kalit so‘zlar:** Ayollar, ayollar masalasi, ayollar tadbirkorligi, ayollar faoliyati, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar, kasbiy martaba, oila.

**Введение.** Обращая большое внимание на ценность Указа нашего Президента “О мерах по дальнейшему ускорению работы по системной поддержке семьи и женщин” [1], можно ясно увидеть свободную и благополучную жизнь, созданную для нашего народа с обретением независимости, прежде всего, в достойном положении женщин в обществе. Ибо с первых дней независимости забота о женщинах, повышение их политической активности, развитие их профессионального, физического, духовного и интеллектуального потенциала, направление женщин на современные профессии, привлечение их к занятию спортом, защита материнства и детства, создание здоровой семьи находятся на государственном политическом уровне.

Основная часть. Президент Ш.Мирзиёев уделил особое внимание вопросам, касающихся заботы народа во время своего визита в Каракалпакстан. Например, посещение главой государства Дома милосердия для Женщин в Ходжейли и его указания по улучшению неблагоприятных условий явились ярким проявлением заботы и уважения, проявленных к женщинам.

В настоящее время 50 процентов населения нашей страны составляют женщины. Если принять во внимание их плодотворную деятельность во всех сферах, воспитание детей, значимый труд в семье, положение в обществе, то невозможно измерить и оценить их безграничный вклад в развитие Узбекистана.

На сегодняшний день, на руководящих должностях в системе государственных и общественных организаций работают около 1400 женщин. Доля женщин в области здравоохранения и социальной сфере составляет более 82%, в области науки, образования, культуры и искусства – 72%, в отрасли сельского хозяйства - более 45%, в промышленности – 38%, их искренний труд достойно оценивается государством и обществом.

За годы независимости более чем 2180 женщин удостоились государственных наград, среди них десятки Героев Узбекистана, Научных деятелей, Народных учителей, Народных поэтесс, Народных артистов. У нас в стране, во всех отраслях упорно трудятся талантливые, умные, добрые женщины и их последователи. Все они составляют золотой фонд человеческого потенциала Узбекистана[2].

При региональных отделениях Комитета женщин и Семьи созданы такие общественные организации, как “Женщины правоведы”, “Наука и женщина”, “Творческие женщины”, “Женщины инициаторы”, “Женщина и здоровье”, “Женщины ветераны” [3]. Проводятся конкурсы “Женщина года”, “Примерная семья”. Предпринимаемые такие эффективные и важные меры сегодня дают свои результаты.

Укрепилось сотрудничество Государственной организаций Комитета Женщин и Семьи Узбекистана с политическими партиями нашей страны, сформирован кадровый резерв в количестве около 3000 женщин лидеров. В настоящее время государство создает систему подготовки общественно активных женщин на руководящие должности, их обучения и повышения квалификации. Все это доказывает то, что деятельность женщин в нашей стране имеет большой потенциал и перспективу.

В 2020 году в нашей стране состоялись выборы в национальный парламент и местные советы. Женщины, также, готовились к этим выборам. Для этой цели на местах были организованы акции “Старт в депутаты”, и конечно же, их поддержали. Как известно, в настоящее

время, женщины составляют 30 процентов депутатов нашей страны.

В равной степени, повышается эффективность международной деятельности Государственного комитета Женщин и Семьи Республики Узбекистан. Например, по инициативе нового центра “Женщины - изобретатели Узбекистана” в 2019году, ученые нашей страны приняли участие в международном форуме, который проходил в Республике Корея.

Чрезвычайные и полномочные послы Республики Франции Виолен де Вильмор, Китайской Народной Республики Цзян Янь, глава посольства Организации Объединенных Наций Хелена Фрейзер, а также главы различных делегаций ведущие активность в нашей республике, такие как Ашита Миттал, Миеко Ябута, Линн Куппенс, Мария дель Пилар, Альварес-Ласо являются высокодеятельными личностями и примером подражания для женщин нашей страны.

Особо следует отметить о семье, так как укрепление института семьи, являющегося для нас оплотом любви, за последнее время поднялось в нашей стране на уровень государственной политики. Важным документом, устанавливающим эту политику, является утверждение Концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан[4]. В целях воплощения этой концепции в жизнь был заново учреждён научно-практический проект “Семья”.

Создана новая система комплексного изучения проблем, анализа, мониторинга и оценки реальной ситуации, улучшения благосостояния семьи на основе научных исследований.

Организации по оформлению документов, связанных с общественным положением, находившиеся прежде в ведении Министерства юстиций, ныне перешли под руководство начальника заместителя хакима районов и городов - председателю Государственного комитета женщин и семьи. В настоящее время они активно работают над укреплением института семьи и мерами предотвращения разводов.

Предстоит большой труд по повышению содержания, качества и результатов мероприятий, указанных в этом направлении. Например, такие программы, как “Процветающее село” и “Процветающая махалля”, “Молодежь – наше будущее”, “Каждая семья – предприниматель”, которые реализовываются сегодня, очень важны.

В настоящее время во всех регионах действуют центры перинатальной, скрининговой репродуктивной диагностики. Растет количество родильных домов, многопрофильных поликлиник и сельских семейных поликлиник. В таких медицинских учреждениях девушки и женщины будут проходить углубленное обследование в течение года, им будут оказывать регулярные патронажные услуги. Нет сомнения, что это сыграет значительную роль в улучшении здоровья матерей и детей. В этом направлении во всех городских и районных поликлиниках, особенно в сельских семейных поликлиниках отдалённых и труднодоступных местностей, организованы центры поддержки женщин и детские центры здоровья.

Значительные изменения наблюдаются и в сфере высшего образования. В настоящее время в нашей стране работают 14 филиалов университетов и институтов таких стран, как Корея, Великобритания, Россия, Беларусь, Индия, Италия, Сингапур, Латвия. Кроме того, в регионах работают 23 отделения республиканских образовательных учреждений. В частности, в нашем университете открыты филиалы университетов России, Белоруссии, Малайзии.

Сегодня 373500 молодых людей получают образование в высших учебных заведениях Узбекистана. Из них 168 тысяч 470 человек, т. е. 45,1 процента, составляют девушки. Например, на факультете иностранных языков нашего университета обучаются 1800 девушек.

Результаты предпринятых мер по защите прав детей и женщин в нашей стране, их образования, развития, ведения достойного образа жизни высоко оценены не только нашим народом, но и международным сообществом, в том числе Международным детским фондом.

Социальным фондом, всемерно поддерживающим женщин и семьи, было выплачено более 54 миллиардов 580 миллионов сумов 1 тысяче 460 женщинам-инвалидам для приобретения доступного жилья, которые находятся в непростых условиях, социальным фондом, всемерно поддерживающим женщин и семьи.

Несомненно, можно привести немало примеров, направленных на улучшение условий труда и жизни женщин. Наш народ, наша нация заботится о своих дочерях, воспитывают их с любовью, потому что наши девушки – это наше будущее, это люди, которые сохранят генофонда нашей нации, продолжению её с достоинством, а воспитывать их, как физически, так и духовно, - считается одной из основных обязанностей нашего государства и народа.

Как отмечает Президент Ш.М. Мирзиёев “Сегодня очень важно воспитание и современное образование наших девушек, в рамках национальных и общечеловеческих ценностей, обучить их профессиям, подготовить к семейной жизни. С этой целью считаю, что работу таких клубов, как “Қизларжон”, “Қиз бола ва ёш оила”, “Фаровон ҳаёт остонасида», “Озода қизлар:, которые ведут свою деятельность во всех образовательных ступенях и микрорайонах, следует приблизить к реальному образу жизни и целям нашей молодежи» [2].

В целях укрепления здоровья девушек и женщин, в том числе в плане физической культуры и спорта, особое значение придаётся проведению таких мероприятий, как “Соғлом она – соғлом бола”, “Аёллар спорт фестивали”. Более того, сегодня на соответствующих местах совместно с рядом местных организаций проводятся мероприятия на тему “Китоб мутоаласи оиладан бошланади”, которое даёт эффективные результаты. Поскольку, привлечение детей родителями к чтению книг в свободное время, имеет особенное значение в воспитании детей из неблагополучных семей, а также важен для юношей и девушек, не занятых трудом.

Кроме того, при региональных государственных комитетах женщин и семьи дейсвуют «Центры поддержки женщин». Глава государственного комитета женщин и семьи, который содействуют работе в соответствии с установленным планом, утверждается решением хакима. Центры предоставляют соответствующую помощь и советы девушкам, которые обращаются по религиозным, юридическим, медицинским вопросам, по вопросам трудоустройства и брака. Например, за последние годы число женщин, уехавших за границу на долгосрочный отъезд, превысило 6000 человек. В целях возвращения их на места проживания, государственные комитеты семьи и женщин ведут совместную регулярную работу вместе с сельсоветами, с семьями женщин, уехавших за границу на длительный срок, регулярно получают информацию от их детей.

Также, 397 советников по вопросам религиозного просвещения и духовно-нравственного воспитания, работающие в органах самоуправления всего народа, посетили 105 769 домов и провели беседы с семьями в ходе ознакомления с механизмом сотрудничества «Город-район-образовательное учреждение».

Следует особо отметить, что роль и влияние семьи в обеспечении верховенства политики женщин в нашей стране безграничны. Первый Президент нашей страны И.Каримов, отмечал «самые чистые и незапятнанные чувства человека, первые понятия о жизни и взгляды впервые формируются в семье. Естественно, что основа таких духовных измерений и понятий, как доброта и отзывчивость, человечность и милосердие, честность и порядочность должна формироваться в семье» [5].

Следовательно, взаимоуважение, возникающее в семейной среде, глубокое осознание своего долга перед Родиной и родителями составляют основу гуманистических качеств человека, основу семейных отношений и духовного мира семьи.

**ЛИТЕРАТУРА**


1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 07.03.2022 г. № УП-87 «О мерах по дальнейшему ускорению работы по системной поддержке семьи и женщин» // https://lex.uz/uz/docs/5899500
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной Международному женскому дню // https://uza.uz/posts/36597
3. Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности государственного комитета семьи и женщин» от 01.03.2022 г. № ПП-146 // https://lex.uz/ru/docs/5884829
4. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 27.06.2018 г. № ПП-3808 «Об утверждении Концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» // https://lex.uz/pdfs/3797628
5. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши: Психология ф.д. … диссертация. Т., 1994. 215-223 б.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УЎК:94(575)

***Нафосат БОТИРОВА,***
*Урганч давлат университети тадқиқотчиси*
*E-mail:nafosatbotirova@mail.ru*

*ЎзМУ профессори, т.ф.д. Сулаймонов Р. Ҳ. тақризи асосида*

**THE ROLE OF NOMADS IN THE DEVELOPMENT OF MARTIAL ARTS OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA.**

Abstract
This article discusses the role of nomadic peoples living side by side with the peoples of Central Asia in the development of martial arts from the VI century BC to the XIII century AD. In general, the development of martial arts of the peoples and nations living in Central Asia and the role of neighboring nomadic tribes in this development is one of the most pressing issues in the history of Central Asia, and there is no final research on this topic. In this regard, this article analyzes the role of nomads in the development of martial arts of the peoples of Central Asia on the basis of various sources and draws conclusions.
**Key words:** Saks, massagets, Tomaris, Shirak, Spitamen, Herodotus, Arrian, Temur Malik, Jaloliddin Manguberdi, Litvinsky B.A., Pyankov I.V., Khudyakov Yu.S., Tolstov S.P., Vorob'eva M.G., Lapirov - Skobla M.S., Nerazik E.E., Mambetullaev M.

**РОЛЬ КОЧЕВНИКОВ В РАЗВИТИИ ВОЕННОГО ИСКУССТВА НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ**

Аннотация
В статье рассматривается роль кочевых народов, живущих бок о бок с народами Средней Азии, в развитии боевых искусств с VI века до нашей эры до XIII века нашей эры. В целом развитие боевых искусств народов и народов, проживающих в Средней Азии, и роль соседних кочевых племен в этом развитии - одна из самых актуальных проблем в истории Центральной Азии, и окончательных исследований по этой теме нет. . В связи с этим в данной статье на основе различных источников анализируется вопрос о роли кочевников в развитии боевых искусств народов Средней Азии и делаются выводы.
**Ключевые слова:** Саки, массагеты, Томарис, Ширак, Спитамен, Геродот, Арриан, Темур Малик, Джалолиддин Мангуберди, Литвинский Б.А., Пьянков И.В., Худяков Ю.С., Толстов С.П., Воробьева М.Г., Лапиров-Скобла М.С., Мамбетуллаев М.

**ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАРБИЙ САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА КЎЧМАНЧИЛАРНИНГ ЎРНИ**

Аннотация
Мазкур мақолада милоддан аввалги VI асрдан то милодий XIII асргача бўлган даврда Ўрта Осиё халқлари билан қўшни бўлиб яшаб келган кўчманчи халқларнинг ҳарбий санъат тараққиётида ўрни ҳақида сўз юритилади. Умуман Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқлар ва элатлар ҳарбий санъати тараққиёти ҳамда бу ривожланишда қўшни кўчманчи қабилаларнинг ўрни мавзуси ҳозирги кунда Ўрта Осиё тарихининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бу мавзуга оид бирорта якуний тадқиқот йўқ. Шу жиҳатдан олганда мазкур мақолада Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчиларнинг ўрни масаласи турли манбалар маълумотлари асосида таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган.
**Калит сўзлар:** Саклар, массагетлар, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Геродот, Арриан, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Литвинский Б.А., Пьянков И.В., Худяков Ю.С., Толстов С.П., Воробъева М.Г., Лапиров – Скобла М.С., Неразик Е.Е., Мамбетуллаев М.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийларни тақдирлаш маросимида – Буюк саркарда Амир Темур бобомиз: “Аскарлари ботир эл қудратли бўлур”, деганларида айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган эдилар. Мен ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради – дея таъкидлаган эдилар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласини манбашунослик, археология, этнология, антропология ва тарихий география фанлари маълумотларини умумлаштириш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Қадимги ва ўрта асрлар даври Ўрта Осиё ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласи махсус мавзу сифатида долзарб масала бўлиб, ҳанузгача илмий – назарий жихатидан кам ўрганилган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар ҳарбий техника ва санъати тарихини ўрганишда археологик ашёлар ва ёзма манбалардаги маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди. Қадимги ва ўрта асрлар ҳарбий санъатини махсус ўрганиш Хоразм воҳаси, Сўғд, Бақтрия, Довон, Чоч, Илоқ, Уструшона, Марғиёна ҳудудлари билан бирга узоқ вақт қўшни бўлиб яшаб келган кўчманчи – чорвадор аҳоли ҳарбий санъатини ҳам таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли тарихий даврларда тарихий-маданий марказларнинг иқтисодий- маданий жиҳатдан яқин алоқада бўлганлигини исботлайди. Мазкур тадқиқотда Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар даври (милодий XIII асргача) ҳарбий санъатининг тараққий қилишида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласини очиб беришга ҳаракат қилинади.

**Тадқиқот методологияси**.Мақолада тизимлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни умумлаштириш, холислик тамойили каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**.Ўрта Осиё халқлари қадим замонларданоқ халқаро сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнларда фаол иштирок этиб келгани маълум. Бу алоқаларнинг таъсирида ҳамда ички ва ташқи сиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт туфайли Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати ҳам ўзига хос равишда ривожланиб борди.

Ўзбек халқи ҳарбий санъати тараққиётида жуда катта роль ўйнаган қадимги аждодларимиз – бактрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва Паркона (Фарғона)-ликлар қадимги Шарқ дунёсида ҳам жангавор халқлар ёки элатлар сифатида донг таратганлиги тарихдан маълум. Шу билан бирга дунё ҳарбий санъати тарихида ҳам катта ўрин тутган Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Абдуллахонлардек буюк саркардалар бизнинг заминимизда яшаб ўтдилар. Аммо, жаҳон миқёсида бундай шарафли ўринга эга бўлишда энг аввало қадимдан тарихий тақдири бир бўлган қўшни кўчманчи қабилаларнинг ўрни беқиёс бўлганлигини ҳам тан олишимиз лозим. Умуман олганда минтақамиз ҳудудида яшаб келган кўчманчи қабилалар яратган ҳарбий санъат нафақат Шарқ дунёси, балки жаҳон халқлари ҳарбий санъати ривожида ҳам катта аҳамият касб этади. Шу жумладан, Ўрта Осиё давлатларида ҳарбий соҳа тараққиётида ҳам қўшни кўчманчи қабилаларнинг ўрни беқиёс бўлганлигини ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлар маълумотлари тўлиқ тасдиқлайди.

Шу жиҳатдан олганда кўчманчи қабилаларнинг қўшничилиги ва уларнинг доимий хужум қилиш хавфи тарихий ва сиёсий вазиятни кескинлаштирганлиги сабабли ўтроқ ҳудудлар аҳолисининг ҳарбий санъатни доимо такомиллаштириб боришга мажбур қилган. Шу билан бирга ўтроқ ҳудудларнинг кўчманчи қабилалар, қўшни элатлар, халқлар билан ўзаро алоқалари, ўзаро бир–бирига таъсири қадимги ва ўрта асрлар ҳарбий санъат тарихида муҳим ўрин эгаллаганлиги табиий ҳол албатта.

Бироқ бу йўналишда минтақа кўчманчи қабилаларининг ҳарбий соҳа тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти етарли даражада ўрганилмаган. Бу фикрлар халқимиз ҳарбий санъати тарихини ўрганишнинг аҳамиятини ва долзарблигини янада оширади.

Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласини манбашунослик, археология, этнология, антропология ва тарихий география фанлари маълумотларини умумлаштириш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Қадимги ва ўрта асрлар даври Ўрта Осиё ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласи махсус мавзу сифатида долзарб масала бўлиб, ҳанузгача илмий – назарий жихатидан кам ўрганилган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар ҳарбий техника ва санъати тарихини ўрганишда археологик ашёлар ва ёзма манбалардаги маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди. Қадимги ва ўрта асрлар ҳарбий санъатини махсус ўрганиш Хоразм воҳаси, Сўғд, Бақтрия, Довон, Чоч, Илоқ, Уструшона, Марғиёна ҳудудлари билан бирга узоқ вақт қўшни бўлиб яшаб келган кўчманчи – чорвадор аҳоли ҳарбий санъатини ҳам таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли тарихий даврларда тарихий-маданий марказларнинг иқтисодий- маданий жиҳатдан яқин алоқада бўлганлигини исботлайди. Биз мазкур тадқиқотимизда Ўрта Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар даври (милодий XIII асргача) ҳарбий санъатининг тараққий қилишида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

XX асрнинг 30 – 90 – йилларида Ўрта Осиё республикалари ҳудудларида жуда кўплаган археологик экспедициялар иш олиб борди. Мазкур ҳудудлардаги кўплаб тарихий обидаларда археологик тадқиқотлар олиб борилиши натижасида, қисман бўлса ҳам ҳарбий санъат тарихи ва мудофаа тизими ўрганилди, унинг натижалари эса кенг илмий жамоатчиликка эълон қилинди[1,2,3,4,5]. Жумладан, С.П.Толстов рахбарлигидаги Хоразм археология-этнография экпедицияси ходимлари, XX асрнинг 30 – 70 – йилларида Амударёнинг ўнг ва сўл сохили ҳудудларида олиб борилган археологик қазиш ишлари жараёнида илк бор қўшни кўчманчи қабилаларнинг Ўрта Осиё ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтганлар[6-13].

Умуман мазкур археологик тадқиқотлар натижасида тарихий ёдгорликларнинг қадимги ва ўрта аср маданий катламларини ўрганилиши натижасида ҳарбий санъат соҳаси тарихини ўрганиш учун ноёб ашёлар олинди. Олинган ашёвий манбалар асосида Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъатининг тараққиёти ва хусусиятларини таҳлил қилиш асосида кўчманчи қабилаларнинг мазкур соҳага таъсири қай даражада бўлганлиги масаласи ҳам қиёсий таҳлил асосида тадқиқ қилинди. Лекин шунга қарамасдан Ўрта Осиё халқларида ҳарбий санъатнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихига, хусусан қадимги ва ўрта асрлардаги ҳарбий санъат масалаларига бағишланган яхлит илмий асарлар ҳозиргача жуда кам. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётида кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласига етарлича илмий-тарихий баҳо берилмаган. Бу масалалар сўнги йилларда пайдо бўлган кўплаб монография, рисола ва мақолаларда ёритила бошлаган бўлсада, лекин улар Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъатида кўчманчи қабилаларнинг тутган ўрни масаласининг яхлит манзарасини очиб бера олмайди.

1991-йилдан бошлаб Ўрта Осиёнинг ўз мустақиллигини қўлга киритган республикалари ҳудудларида археологик тадқиқот ишлари яна давом эттирилди. Тўғри, тарихий ёдгорликларда археологик қазишмалар олиб борилиши натижасида ҳарбий санъат тараққиёти ва бу тараққиётда кўчманчи қабилаларнинг ўрни масаласини акс эттирадиган жуда кўплаган археологик ашёлар олинди. Археологик тадқиқотлар бугунги кунда ҳам давом этиб келяптики, Ўрта Осиё тарихий ҳудудларида ҳарбий санъатнинг тараққиёти босқичларини тўла – тўкис таҳлил қилиш ва шу асосда узил – кесил хулосалар чиқариш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Аммо, 1991 йилдан кейинги кўпгина тарихий тадқиқотларда ҳар бир республика ўз ҳудуди тарихини иложи борича қўшни халқларнинг тарихидан қадимийроқлигини исботлашга, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаддан зиёд ошириб кўрсатишга интилишлар кучайиб кетиб, бу салбий ҳолат ҳарбий санъат тарихида ҳам ўз аксини топа бошлади.

Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётига кўчманчи қабилалар таъсирини биз кўпгаина ҳарбий курол – аслаҳалар турида кўришимиз мумкин. Жумладан, қадимги ва илк ўрта асрларда икки, уч қиррали найза ўқлар, камалак ўқи қурол-аслаҳаларнинг асосини ташкил қилган. Ўрта Осиё аҳолисидан ташкил топган маҳсус ўқчилар томонидан мудофаа ва ҳужум ҳаракатларида фаол ишлатилган маълум. Улар аҳоли манзиллари маданий қатламларидан кўплаб топилган ва кўп ҳолларда ёзма манбаларда қайд қилинади. Камон ёйи ва унинг комплекси бўлган ўқдан фойдаланишнинг қоидасини ўқчилар тўла даражада ўзлаштириб олган бўлишлари керак. Тадқиқотчи А. Ф. Медведов фикрига кўра, камон ёйининг икки уч қисмини бирлаштирган ипнинг тортилиш даражасига қараб, ундан тортилган ўқ даҳшатли зарбани ҳосил қилган[14.28]. Тадқиқотчи М. Мамбетуллаев фикрига кўра, милоддан аввалги VII - VI асрларга келиб скиф камон ўқи Ўрта Осиёда кенг тарқалган[15.3].

С. П. Толстов хулосаси бўйича, милоддан аввалги VI-V асрлардаёқ сак ва сарматлар унча катта ҳажмда бўлмаган камон ўқлари билан хорасмийлар ҳудудларига кириб келиб, туб аҳолини таништирганлар. Ўрта Осиё аҳолисининг қўшни худудлардаги аҳоли билан алоқаси мавжудлиги боис, скиф ўқлари билан таниш бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас. Дарҳақиқат, скиф ўқларининг Хоразм воҳасига тарқалишида кўчманчи қабилаларнинг таъсири шубҳасиз кучли бўлганлигига сабаб, ўлкамиз географик жойлашиши жиҳатидан уларга қўшни бўлган. Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан бошлаб, Хоразм воҳасидаги қабилалар турмуш тарзида ишлатиладиган меҳнат қуроллари таркибини ҳарбий қуроллар комплекси ташкил этган. Жамиятда урушлар оддий бир ҳолат бўлиб қолган бир пайтда турли вазифаларни бажарувчи қурол-аслаҳалар вужудга келди. Архаик, антик жамиятида қурол-аслаҳалар, бронзадан қилинган уч қиррали, темирдан қилинган икки қиррали камон ўқлари, ҳанжар, қилич, совут, лат, ниқоб каби ҳарбий мосламалар мавжуд бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, милоддан аввалги 1 асрдан скиф камон ўқлари асосида такомиллашган хун камон ўқлари Евросиёга сарҳадларига кенг тарқалган. Хунлар камон ўқларининг кенг сарҳадларга тарқалиш сабаблардан бири ҳимоя воситаларидан бири бўлган қалқоннинг ўтроқ аҳоли ўртасида кенг тарқалганлигидир.

**Хулоса ва таклифлар.** Мавзуга оид тадқиқот натижалари ва илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, милоддан аввалги VI асрдан – милодий XIII асргача бўлган даврда Оролбўйи кўчманчи қабилаларининг Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган ва умумлаштирилмаган ва бу тарих фанида ўз ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагиларнинг барчасидан умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, эндиликда, милоддан аввалги VI асрдан – милодий XIII асргача бўлган даврда Оролбўйи кўчманчи қабилаларининг Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъати тараққиётидаги ўрни масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида қайтадан кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Кўпгина маълумотларни таҳлил қилиш жараёнидан кўриниб турибдики, Оролбўйи кўчманчи қабилалари улкан Евросиё минтақасида сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий фаолияти давомида ўтроқ халқлар ва қолаверса, қўшни қабилалар билан турли даражадаги муносабатларда бўлиб, бу муносабатлар ўз ўрнида кўчманчи халқлар ҳарбий санъати тараққиётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Мавзуга оид маълумотларнинг умумлашма таҳлили асосида, собиқ совет даври ва хориж тарихшунослигидаги Ўрта Осиё ўтроқ – деҳқончилик воҳа ва водийларига қўшни ҳудудларда яшовчи кўчманчи қабилаларнинг қадимги ва ўрта асрлардаги ҳарбий санъати ҳақидаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш лозимлиги ҳамда тарих фанида анъанавий бўлиб келган айрим илмий қарашларни қайта кўриб чиқиш ва янгича баҳолаш зарурати кўриниб қолди.

Кўчманчи қабилаларнинг турли рақибларга қарши олиб борган курашлари давомида уларнинг қўллаган ҳарбий тактикаси, ҳарбий стратегияси, қўшиннинг қуролланиши даражасини янада кенгроқ ва илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилган ҳолда яхлит илмий муаммо сифатида асослаб берилиши лозим деган хулосага келинди.

## АДАБИЁТЛАР


1. Литвинский Б.А. Древние кочевники “Крыши мира”.// М.: ГРВЛ. 1972. – 272 с.
2. Пьянков И.В. Военное дело у народов Средней Азии в VI—IV вв. до н. э. // Вестник древней истории. 1966. № 3. – С. 36-52.(соавт. Б. А. Литвинский).
3. Никоноров В.П. Вооружение и военное дело в ПарфииДиссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Академия Наук СССР Ордена Трудового Красного Знамени, Институт Археологии (Ленинградское отделение). – Ленинград, 1987. – 274 с.
4. Худяков Ю.С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии.// Новосибирск: Наука, 1986. – 268 с.
5. Худяков Ю. С. Вооружение центрально-азиатских кочевников в эпоху раннего и развитого средневековья. – Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1991. – 192 с.
6. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.-Л.: изд-во Академии наук СССР, 1948. - 328 с.
7. Толстов С.П. По следам древнехорезмийкой цивилизации. – М.-Л.: изд-во Академии наук СССР, 1948. - 328 с.
8. Толстов С.П. По древним дельта Окса и Яксарта. – Москва: Издательство восточной литературы, 1962. 321 с.
9. Воробъева М.Г., Лапиров – Скобла М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 г.г. // МХЭ вып 6. – М.: Наука, 1963. – С. 157 – 201.
10. Кой-Крылган-кала – памятник культуры древнего Хорезма IVв.д он .э. –IVв .н .э .//ТХАЭ, т. 5. – М.: Наука, 1967. – 350 с.
11. Неразик Е.Е. Сельские поселения афригидского Хорезма (по материалам Беркут-калинского оазиса) – М.: Наука 1967. – С. 156.
12. Мамбетуллаев М. Разрез крепостной стены Ичанкалы. //Вестник ККФ. Ан УзССР. 3. 1988. – С. 80-86.
13. Городище Топрак-кала.//ТХАЭ, т. 12. – М.: Наука, 1981. –152 с.
14. Медведев А.Ф. Ручное метательное оружие (Лук и стрелы, самострел). VIII–XIV вв. М.: Наука, 1966. 184 с., 31 табл. (САИ. Вып. Е1-36)
15. Мамбетуллаев М. М. Вооружение и военное дело Хорезма.// Археология Приаралья.//. Вып. № VI, Нукус, 2003. – С.21-32.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 39391/395

*Мадина КАРИМОВА,*
*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўқитувчиси*
*E-mail:madina-botirjonovna@mail.ru*

*Т.ф.ф.д А.Бабабеков тақризи асосида*

## SOME REPORTS ABOUT THE "MAVLUD" CEREMONY HELD WITH THE PARTICIPATION OF WOMEN IN THE FERGANA VALLEY

Abstract
This scientific article, using the example of the Ferghana Valley, highlights the rite "Mavlud" and its history, the processes of traditionality and modernization of this rite, carried out with the participation of Uzbek women, the tasks of otinoya in this rite.
**Key words:** Mavlud, ceremonial women, prophetess, otinoyi, Ferghana Valley.

## НЕКОТОРЫЕ СООБЩЕНИЯ О ЦЕРЕМОНИИ "МАВЛУД", ПРОВЕДЕННОЙ С УЧАСТИЕМ ЖЕНЩИН В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Аннотация
В данной научной статье на примере Ферганской долины освещены обряд "мавлуд" и его история, процессы традиционности и модернизации этого обряда, проводимого с участием узбекских женщин, задачи отинойи в этом обряде.
**Ключевые слова:** Мавлуд, обрядовые женщины, пророчица, отинойи, Ферганская долина.

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АЁЛЛАР ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛУВЧИ "МАВЛУД" МАРОСИМИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация
Мазкур илмий мақолада "Мавлуд" маросими ва унинг тарихи, ўзбек аёллари иштирокида ўтказиладиган ушбу маросимдаги анъанавийлик ҳамда замонавийлашув жараёнлари, отинойиларининг ушбу маросимдаги вазифалари Фарғона водийси мисолида ёритиб берилган.
**Калит сўзлар:** Мавлуд, маросим аёллар, пайғамбар, отин, Фарғона водийси.

**Кириш.** Сўнгги йилларда барча давлат дастурларининг йўналишларида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, аёлларимизнинг бахти-халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир [1]. Айниқса, ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом динининг тутган ўрнини этнологик материаллар асосида ўрганиш халқимиз маданияти, маънавий дунёқарашининг тарихий асосларини, диний урф-одат ва маросимлар генезиси ҳамда мазмун-моҳиятини тўлақонли ўрганишда ўзига хос ўрин тутади. Аёллар иштирокида ўтказиладиган ҳар бир маросим ўзининг муайян хусусияти ва харектерига эга ҳисобланади. Шу ўринда, мазкур маросимларни тадқиқ этиш долзарб бўлган муаммолардан бири саналади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**Ўзбекистонда диний вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаштиришда замонавий ислом ва бошқа минтақаларда яшовчи мусулмонлар ҳаёти таҳлил қилинган "Ислом ва ҳозирги замон" номли ўқув қўлланмасидан ҳам тадқиқотнинг айрим ўринларида фойдаланилди. Ушбу қўлланма Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Миср, Саудия Арабистони, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё, бундан ташқари Европа ва Америкадаги ислом ва исломий ташкилотлар ҳамда ислом ва сиёсат хусусида билдирилган умумий маълумотлар қайд этилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбек аёллари турмуш тарзида "Мавлуд" маросимининг тарихини ёритилишида Kaptein, N.J.G. (1993). Muhammad's Birthday Festival: Early history in the Central Muslim Lands and Development in the Muslim West until the 10th/16th Century асари ҳам диққатга сазовордир.

Этнограф олим О.Бўриевнинг "Муродбахш кунлар" номли асарида Мавлуд маросими юзасидан дала-этнографик маълумотлар асосида билдирилган фикрлари айрим ўринларда таҳлил қилинди.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу илмий мақолада тарихий ва этнологик тадқиқотларда умум қабул қилинган тарихийлик принципи, қиёсий ва яхлит таҳлил, шунингдек, кузатиш, индивидуал интервью, анкета сўровнома каби усуллардан фойдаланилди.

Аёллар иштирокида ўтказиладиган расмий ислом маросимларидан бири бу-"Мавлуд" маросимидир. Бу маросим Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг туғилиш кунига бағишланган махсус диний маросим ҳисобланади. «Мавлуд» сўзи асли арабчадан олинган бўлиб, луғавий таржима қилганда "туғилиш", "туғилган кун", "янги туғилган чақалоқ" деган маъноларни англатади [1]. Халқ орасида мавлуд деганда, асосан, пайғамбарнинг туғилган куни ва ойи билан боғлик диний маросим тушунилади. Аслида, бу атама фақатгина маросим сифатида эмас, балки фиқҳга оид манбаларда ҳам учрайди. Фиқҳий манбаларда "мавлуд" сўзи "чақалоқ" ёки "гўдак" деган маънода қўлланилади. Яъни, янги туғилган чақалоқ мавлуд деб аталади ва у ўзига хос ҳақ-ҳуқуқларга эга шахс ҳисобланади. Лекин 1984-йилги фатвода келтирилишича, туркий тилда ёзилган "Мавлиди набавий" китобининг номи ҳам тўғри ёзилмаган, "Мавлудун набий" тарзида нотўғри таъбир қилинган. Бундан "Пайғамбарнинг фарзанди" деган маъно чиқади. Китобнинг асл номи "Мавлидун набий", яъни "Пайғамбарнинг туғилган кунлари" деб аталиши керак эди, дея таъкидланади [2].

"Ислом энциклопедияси"да бу маросимга қуйидагича изоҳ ёзилган: "Мавлуд – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг туғилган кунлари, байрам. Мусулмон мамлакатларида Мавлуд куни дуолар, пайғамбар шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар бериладиди, уламоларнинг йиғилишлари ўтказилади. Кўпгина араб

мамлакатларида, шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам мавлуд куни ва ойида Имом Барзанжийнинг қаламига мансуб “Мавлуд ан-набий” қасидаси ёддан айтилган.

Маҳаллий аҳоли араб тилини яхши англамаганлиги боис унинг ҳар бир жумласини тушуниш машаққат туғдирган. Шунинг учун XIX аср охири –XX аср бошларида Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг замондошлари Хилватийнинг устози Лангарий шогирдига шундай китоб яратишни топширади. Бу асар “Мавлуду-н-набий”, ёки “Мавлуди шариф туркий” номи билан номланиб, 1908, 1911, 1912, 1916 йиллари Ғулом Ҳасан Орифжонов тошбосмахонасида нашр этилган [3]. Мустақилликдан сўнг мазкур асар Хайрулла Қосим Элтурк томонидан араб имлосидан кирилл имлосига кўчирилди ва 1991 йили нашрдан чиқарилди [3].

Этнограф О.Бўриев мавлудни “ўзига хос хайрия маросими” сифатида баҳолаган ва ўз асарида “йил давомида қилинадиган ҳудойиларда ҳам мавлудхонлик бўлади (асосан аёллар даврасида). Бундай ҳолларда “мавлуд” сўзи кўпроқ рамзий маъно касб этиб, ҳайру худойи қилинади”[4], дея таъкидлайди. Бизнингча, бу таъриф бирмунча баҳсли. Шунингдек, муаллиф ўз фикрларини давом эттириб: “Бу кўпгина халқларда мавжуд бўлган аждодлар рухига сиғиниш каби қадимий удумнинг исломда давом этаётган кўринишидир”[4], - деб ёзади. Албатта, муаллифнинг ушбу мулоҳозалари дала-этнографик маълумотлари асосида баён қилинганлиги боис ҳам махсус диний адабиётлардаги мулоҳозалардан фарқли эканлигини кузатиш мумкин.

**Таҳлил ва натижалар.**Ҳар бир анъана ва маросимлар ўзининг келиб чиқиш тарихига эга. Жумладан, мавлуд ҳам асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган маросимдир. Унинг тарихий асоси X асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Бу даврда ислом дини кенг ёйилган ва ўзининг энг ривожланган чўққисига чиққан эди. Муҳаммад (с.а.в) вафот этганидан сўнг мусулмонлар у зотга тегишли бўлган ҳар бир нарсани кўз қорачиғидек асрашга, ёдлашга ва қадрлашга ҳаракат қилиб келдилар. Чунончи, пайғамбаримиз ҳаёти, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганмай туриб, у зотга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва ўрнак олишнинг имкони ҳам йўқ. Бу масала мусулмонлар учун долзарб вазифа даражасига кўтарилди.

“Мавлуд” маросими пайғамбаримиз вафотидан кейинги 4 аср мобайнида оммавий тарзда нишонланмаган. Бу маросим XI асрда дастлаб фақат Шиа имомлари доирасидагина ўткизилиб, омма унга жалб этилмаган [5]. Бу маросимни, асосан, Мисрда Фотимий шиалар нишонлаганлар [6]. Маросимда қурбонликлар қилиниб, катта зиёфат ҳозирланган, Ахл ал-байт соҳибларига совға-саломлар улашилган [7]. Кейинчалик, XIII аср бошларида мавлуд маросими сунний хукмдорлар томонидан ҳам ўтказила бошланди. Бу ишни дастлаб Ироқнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Музаффариддин амалга оширган. У 1207 йилда мавлудни катта оммавий маросим сифатида нишонлаган [7]. Бу ҳақида шайх Муҳаммад Закий Иброхим ҳам ўзининг «Абжадияту тасаввуфил исламий» номли асарида қуйидагича хабар беради: «Мавлуд ан-набийни биринчи бўлиб нишонлаган шахс Малик Музаффар (Тоғрил) Ироқдаги Ирбилнинг подшоҳи бўлган. У имом Абу Шома ва бошқа уламоларнинг розилиги билан бу ишни қилган»[8]. Худди шундай маълумот бошқа олимларнинг асарларида ҳам учрайди. Жумладан, ал-Хофиз ас-Сахавий ҳам ўзининг «Фатволар» номли асарида мавлуд маросими дастлаб ҳижрий VII аср бошида Ироқнинг Ирбил вилояти ҳокими Абу Саъид Кавкабри ибн Зайнуддин Али ибн Бактакин (549–630/1153–1232) томонидан ўтказилганлигини ёзган. Шунингдек, Хофиз Жалолиддин Суютийнинг (849–911/1445–1505) маълумоти бўйича ҳам «биринчи бўлиб мавлуд маросимини ташкил қилган одам Ирбилнинг Каттаси Малик Музаффариддин»[9] бўлган.

Мавлуд аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан бири бўлиб, советларгача бўлган даврда мавлуд сўфийлик йўлига кирган эркаклар ва аёллар учун алоҳида маросим бўлган эди[10]. Кейинчалик унда диний маросимни адо этишни истаган барча қатнаша бошлади ва маросим шакли қатъийлаша борди. Пайғамбаримиз (с.а.в) туғилган кунлари ҳижрий-қамарий рабиъул-аввал ойининг 12-кунига тўғри келсада, мавлуд аёллар томонидан ой давомида ўтказилиши мумкин эди.

Совет даврига келиб айнан мазкур маросимларни ўтказишга қаршилик кучайди ва бу борада 1943 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё мусулмонлари диний идораси ва унинг қошида 1947-йилда тузилган “Совет Шарқи мусулмонлари” журналида партия ва ҳукумат органларининг анъанавий маросимлар (ўша даврнинг беўхшов ибораси билан айтганда – “ўтмиш сарқитлари”)га қарши курашиш борасидаги барча махсус қарорлари, қўшимча фатво ва кўрсатмалари, жумладан, Мавлуд, Ийд (Ҳайит) каби байрамларни уйларда (хусусан, отинойилар йиғинларида) нишонлаш, норасмий масжидларда маҳаллий анъанавий диний матнлар: Биби Мушкулкушод, Биби Сешанба, Хатми ёздаҳум кабиларнинг ўқилиши шариатга хилоф эканлиги хусусидаги фатволар нашр этилди[11]. Аммо бу ҳолат мавлуд ва бошқа диний маросимлар ўтказилишига тўсқинлик қила олмаганини тўпланган дала маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Фарғона водийсида мавлуд маросими куннинг биринчи ярмида бошланади. Ўтказилган дала тадқиқотларидан маълум бўлишича, кейинги вақтларда мавлуд маросимини шомдан кейин ўтказиш одат тусига кирмоқда. Бундай қилинишига сабаб, кундуз куни иштирокчиларнинг ўқиши, иши, умуман, ўз юмуши бўлганлигини ҳисобга олинаётганлигидир. Зеро, бу ислом меъёрларига тўғри келиши кўпчилик уломалар томонидан ҳам таъкидланмоқда[12]. Йиғинда уй бекасининг қариндош-уруғи ва таниш- билишлари бўлган, тахминан 20 га яқин аёллар қатнашади. Мавлуд бошлангунча дастурхон тузалади ва аёллар бир оз тамадди қилиб олишади. Мавлуд ўқийдиган отин ҳам аёллар билан бирга ўтиради. Дастурхонга турли хил ноз-неъматлар тортилади, алоҳида патнис эса отинойининг олдига қўйилади. Унда қадоқланган чой, қанд солинган ликопча, туз, шам, исириқ, шунингдек, майиз, ширинликлар ҳамда нон бўлади. Мавлуд давомида унинг баракоти шу нарсаларнинг барчасига ўтади, деб ҳисобланади. Мавлуд Қуръон қироати, Аллоҳга муножот ва ҳамду санолар билан бошланади. Отин хонадонга баракот тилайди, тиловат қилиб, аждодларни ёдга олади. Сўнг бир-бир ярим соат мавлуди шариф ўқилади. Мавлуди шариф юқорида зикр қилинган китоб бўлиб, унинг энг тантанали қисми ва энг авжига чиқадиган нуқтаси пайғамбар таваллудлари ҳақидаги ҳикоядир. “Пайғамбаримиз таваллуд топдилар” деган ёки шунга ўхшаш гап айтилганда ҳамма ўрнидан туриб, “Марҳабо” дейди.

Шундан сўнг яна Қуръон оятлари ўқилади ва матнда пайғамбаримиз ҳаётларидан турли лавҳалар баён этилади. Мўъжиза ва эзгу ишларига алоҳида эътибор берилади. Отин қироат давомида қўлидаги тасбеҳ билан бир неча марта патнисдаги таомларга “дам солади”. Патнис эса хонадон эгаларига қайтариб берилади. Уй бекаси яна алоҳида патнис олиб киради. Унга отиннинг хизмат ҳаққи бўлган пул қўйилган бўлади. Патнис даврада айлантирилиб, ҳар бир аёл атаганини унга солади, сўнг патнис отинга узатилади. Бундан ташқари, уй бекаси отинга ширинлик ва бошқа нарсалар солинган тугун ҳам тайёрлаб беради ва у йиғинни тарк этади. Баъзи хонадонларда отин фақат китоб билан чекланиб қолмай, аёлларга амру маъруф ҳам қилади.

Мавлуддан сўнг яна одатдагидек меҳмондорчилик давом этади. Маросим тугаб, ҳамма аёллар уйларига қайтишида уларга нон ва ширинликлардан берилган. Айнан бу амаллар орқали аёллар мавлуди шариф баракотидан оила аъзоларини ҳам баҳраманд қилиш нияти мужассамлашган.

Фарғона водийсида Мавлуд ўз мавқеи ва оммавийлиги жиҳатидан Мушкулкушод ва Биби Сешанба маросимларидан бирмунча эътиборлироқ ҳисобланиши ахборотчилар[13] томонидан ҳам илмий адабиётларда ҳам эътироф этилган[14]. Бундай расм-русмлар жойларда кенг ёйилиши натижасида, у аёллар мулоқотининг оммалашган шакли бўлиб қолмоқда, десак хато бўлмайди. Чунки, мавлуд аёллар учун диний маърифат бериш билан бирга "руҳий таскин топиш имконини ҳам беради ва шу билан бирга, мулоқотнинг, бир-бирини янгиликлардан хабардор қилишнинг ҳамда кундалик муаммоларни муҳокама қилишнинг яна бир усули бўлиб қолмоқда"[10].

**Хулоса.** Хулоса сифатида шуни алоҳида қайд этиш керакки, Фарғона водийси ўзбек аёллари иштирокида ўтказилувчи маросимларни тадқиқ қилиш жараёнида мазкур маросимларнинг аксарияти оила ва унга тегишли муаммоларни ечишга қаратилганлиги учун ҳам бутун ўзбек аёллари турмуш тарзида ниҳоятда муҳим ўринга эга эканлиги намоён бўлди.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. 7-март 2018-йил. https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2018.
2. Ислом маърифати. Назарий-услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – 107 б.
3. Янги чиққан китобфурушлар фаолиятининг зарарлари ҳақида фатво // Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний Бошқармаси раиси муфтий Шамсиддинхон ибн Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон. –Т.,1984.
4. Мавлуду-н-набий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 4.
5. Бўриев О. Муродбахш кунлар. – Т.: Фан, 1992. – Б. 9.
6. Kaptein, N.J.G. (1993). Muhammad's Birthday Festival: Early history in the Central Muslim Lands and Development in the Muslim West until the 10th/16th Century. Leiden: Brill.
7. "Mawlid". Encyclopжdia Britannica. (2007). Encyclopaedia Britannica, Inc.
8. Schussman, Aviva (1998). "The Legitimacy and Nature of Mawlid al-Nabi: (Analysis of a Fatwa)". Islamic Law and Society - P. 216.
9. savollar.islom.uz/s/19325
10. Ахмад ибн Мухаммад Али ибн Хажар Хайтамий "Тухфатул мухтож фи шархил минхож" Вена, 2002. – Б. 78.
11. Тўхтахўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. – Вена, 2002. – Б. 73.
12. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.:Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 36.
13. Бобохонов Ш. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (Маънавият ва ибрат мактаби). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б. 271.
14. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Пахтаобод қишлоғи 2010 йил.
15. Саттор М. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – Б. 64.
16. Каримова М. Фарғона Водийси аҳолисининг никоҳга оид қарашларида розиликнинг аҳамияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 405-409. https://www.inscience.uz/index.php/socinov/article/view/1399
17. Karimova M. B. The ceremonies held with the participation of women and the institute of otinoyis (women teachers who run a school in their home)(in the example of Ferghana valley) //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 341-349. https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658526
18. М.Б Каримова. Participations of g'assols (washers of the dead) in mourning ceremonies (in the example of ferghana valley)
19. //молодой ученый, 289-291. Https://www.elibrary.ru/item.asp?id=18424886
20. Каримова М.Б. Об обряде" бибисешанба", проводимом с участием женщин //журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2012. – №. 11. – с. 76-78. Https://www.elibrary.ru/item.asp?id=19425007

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УЎК:94(575)

***Қудрат МАШАРИПОВ,***
*Урганч давлат университети доценти, т.ф.н*
*E-mail: qudrat_1974@mail.ru*
***Зуҳра РАЖАБОВА,***
*Тошкент Ахборот технологиялари университети Урганч филиали ўқитувчиси, (PhD)*

*ЎзМУ профессори, т.ф.д Р.Ҳ. Сулаймонов тақризи асосида*

## SOME REFLECTIONS ON THE NUMBER OF TROOPS OF THE KHOREZMSHAHS-ANUSHTEGINIDS DURING THE MONGOL INVASION

Abstract
Until now, the question of the state of the Khorezm army before the Mongol invasion has not been scientifically analyzed. On the eve of the Mongol invasion, we find in many sources information about the number of armies of the Khorezmshahs, how strong or militarily supplied they are, but these data are not enough to draw definitive conclusions. This is because in medieval Chinese and Muslim sources, as well as in European and Armenian-Georgian sources, we often see an exaggeration of the number of troops. The need to study this problem is that the solution to this problem is one of the solutions to the problem of the defeat of the Khorezm Shahs or Jalal ad-din Menkburni by the Mongols. Therefore, this article tries to analyze the problem on the basis of new views and approaches.
**Key words:** The state of the Khorezmshahs - Anushteginids, Nasavi, Mongol invasion, divan al-ard, dafatir, haras, khosa gulomon.

## НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИИ О КОЛИЧЕСТВЕ ВОЙСК ХОРЕЗМШАХОВ-АНУШТЕГИНИДОВ ВО ВРЕМЯ МОНГОЛЬСКОГО НАШЕСТВИЯ

Аннотация
До сих пор вопрос о состоянии хорезмского войска перед монгольским нашествием научно не анализировался. Накануне монгольского нашествия мы находим во многих источниках информацию о количестве армий хорезмшахов, о том, насколько они сильны или снабжены в военном отношении, но этих данных недостаточно, чтобы сделать окончательные выводы. Это связано с тем, что в средневековых китайских и мусульманских источниках, а также в европейских и армяно-грузинских источниках мы часто видим завышение численности войск. Необходимость изучения этой проблемы состоит в том, что решение этой проблемы является одним из решений проблемы разгрома хорезмшахов или Джалал ад-дина Менкбурни от монголов. Поэтому в данной статье делается попытка проанализировать проблему на основе новых взглядов и подходов.
**Ключевые слова:** Государство хорезмшахов – ануштегинидов, Насави, Монгольское нашествие, диван ал-ард, дафатир, харас, хоса гуломон.

## МЎҒУЛ БОСҚИНИ ДАВРИДА ХОРАЗМШОҲ – АНУШТЕГИНИЙЛАР ҚЎШИНИ СОНИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация
Шу пайтгача, мўғуллар босқини арафасидаги хоразмшоҳлар қўшини аҳволи қай даражада бўлганлиги масаласи илмий таҳлил қилинмаган муаммо ҳисобланади. Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳлар қўшини сонини, қай даражада кучли ёки ҳарбий жиҳатдан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотларни кўплаган манбаларда учратамиз аммо, бу маълумотлар якуний хулосалар чиқариш учун етарли эмас. Чунки, ўрта асрлар хитой ва мусулмон манбашунослигида ҳам, европа ва арман – грузин манбашунослигида ҳам қўшин сонини бўрттириб кўрсатиш ҳолларини кўп кузатамиз. Бу муаммони ўрганиш зарурияти шундан иборатки, айнан бу масала ечими хоразмшоҳларнинг ёки Жалолиддин Мангубердининг мўғуллардан енгилиши муаммосининг ечимларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада муаммо янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.
**Калит сўзлар:** Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлати, Насавий, мўғул босқини, девон ал – ард, дафотир, харас, хоса ғуломон.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил ноябрь ойида Хоразмга ташрифи чоғида Жалолиддин Мангуберди сиймосини янгидан ва янада чуқурроқ ўрганиб, уни халқимизга ва жаҳонга танитишимиз лозимлигини уқтирган ҳолда, унинг сиймосини айникса хорижда янада танитиш учун “Жалолиддин Мангуберди боғи”ни ташкил этишни таклиф қилган эдилар. 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига навбатдаги ташрифи давомида ҳам Президент ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ҳалқимизнинг маънавий илдизларини мустаҳкамлашда буюк ватанпарвар саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти тарихини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирган эдилар.

Мўғуллар босқини арафасида хоразмшоҳлар қўшини сонини, қай даражада кучли ёки ҳарбий жиҳатдан таъминланганлигини манбалардан кўриб, хулоса чиқариш мумкин. Аммо, бу манбалар маълумотларини ҳамма вақт ҳам тўғри деб қабул қилавермаслик лозим. Айниқса, ўрта асрлар хитой ва мусулмон манбашунослигида ҳам, европа ва арман – грузин манбашунослигида ҳам қўшин сонини бўрттириб кўрсатиш ҳолларини кўп кузатамиз.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**. Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлати тарихига оид тадқиқотларни кузатар эканмиз, юртимиздан кўра хорижда у ҳақда кўпроқ тадқиқотлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо, бу тадқиқотларда хоразмшоҳлар қўшини сони

масаласи қай даражада акс эттирилганлигини таҳлил қилишимиз зарур масаладир.

Замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги хоразмшоҳлар қўшини сонини фақат манбалардаги маълумотларни келтириб ўтиш билан чекланадилар холос. Бу мавзу бўйича деярли махсус тадқиқот олиб борилмаган. Мазкур мавзу юзасидан ҳозирча қўлимизда ёзма манбалар маълумотлари ҳамда хоразмшоҳ – ануштегинийлар ҳарбий тизими ҳақида кўпроқ тўхталиб ўтган тадқиқотчилардан энг муҳимлари З. Буниёдов, Ойдин Тонарий ва С. Сабуровалар тадқиқотлари ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси**. Мақолада тизимлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни умумлаштириш, холислик тамойили каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Илгариги Хоразмнинг асосий қўшин турини ташкил қилувчи оғир қуролланган отлиқлари Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ даврига келиб энди аҳамиятини йўқотди[1]. Бу ҳақда, хоразмшоҳ – ануштегинийлар давлати тарихини ва мўғулларнинг Ўрта Осиёга юриши масалаларини чуқур ўрганган В.В. Бартольд ҳам хоразмшоҳлар армияси бу даврда фақат ёлланма қўшиндан иборатлигини ва кўпчилик ҳолларда уларнинг маҳаллий аҳоли билан келиша олмаганлигини ёзади[2].

Хоразмшоҳ – ануштегинийлар ва хусусан Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга ва бошқа душманларга қарши олиб борган курашлари мавзуси турк тадқиқотчиси Ойдин Тонарий ўз тадқиқотларида хоразмшоҳларнинг ҳарбий салоҳиятини кўплаб манбаларни жалб қилган ҳолда очиб беришга ҳаракат қилган бўлса ҳам, маълумотларни чуқур таҳлил қилмасдан келтириб ўтади ҳамда бу мавзу бўйича унинг тугал якуний фикри йўқ[3].

Насавийнинг келтириб ўтган маълумотларига, З. Буниёдов ҳамда Ойдин Тонарийнинг тадқиқот маълумотларига тўлиқ боғланиб қолган С.Сабурованинг хоразмшоҳ – ануштегинийлар ва шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъати мавзусига бағишланган монографиясида ҳам афсуски шу хусусият кузатилади[4]. Зеро, улар бу маълумотларни илмий таҳлил қилмасдан, ўз тадқиқотларида ўрта асрлар манбашунослигига хос анъана, тарихий фактларни бўрттириб кўрсатиш ҳолатларини, эътиборга олмасдан, фақат шу маълумотларни келтириб ўтиш билан чеклангандар.

Жумладан, З. Буниёдов мўғул босқини арафасида Хоразм давлати умумий ҳисобда 540 000 жангчидан иборат бўлганлигини келтириб ўтади. Масалан, у: “давлат қўшинининг сони хоразмшоҳларнинг ҳарбий юришлари кўламига қараб ўзгариб турган. Чунончи, 1195-йилда хоразмшоҳ Текеш ҳарбий девони (девон ал-ард)нинг рўйхатларида (дафотир) 170 минг отлиқ жангчининг исми шарифи қайд қилинган. Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида бир неча кун ичида 70 мингтагача отлиқ жангчи қўя олган. У 1214 йилда Эрон Ироқига бостириб кирган. Озарбайжон ва Форс отабеклари Ўзбек ва Саъдга қарши отланганда улар билан урушиш учун 100 мингга яқин отлиқ жангчидан иборат энг жасур ва қўрқмас баҳодирларни танлаб олган. Отабек Ўзбек ўзини хоразмшоҳ Муҳаммаднинг вассали деб тан олгандан кейин ундан грузинларга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраганда Муҳаммад 50 минг сараланган отлиқ қўшинга грузинларга қарши ҳужум қилишга фармон берган”, деб таъкидлагани ҳолда, у Текеш ҳарбий девони дафтарларини ўз кўзи билан кўрганлигини ёки бор бўлса, ҳозирда улар қаерда сақланаётганини ҳеч қаерда айтмаган[5].

Тўғри, хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳукмдорлиги даврида давлат қўшини миқдори жуда кўп бўлган. Аммо, бу қай даражада кўплиги ҳеч қаерда таҳлил қилинмаган. Жумладан, 1218 йилда Хоразмшоҳ қўшин кўригини ўтказади, унда 150 мингга яқин отлиқ ва бундан ташқари яна 100 минг пиёда жангчи қатнашганлиги воқеасини ёки Ирбил ҳокими Отабек Музаффариддин Гёк Бўри (1190- 1233)нинг элчиси Хоразмдан қайтиб келиб, ўзининг хўжайинига берган хабарига кўра, хоразмшоҳнинг бевосита қўл остида 350 минг жангчи бўлган деган маълумотини ҳам қандай исботлаш мумкин. Муаллиф қўшин сонини бўрттириб кўрсатишни ёқтирувчи мусулмон анъанасидан (аслида бу анъана нафақат араб – форс, балки бутун ўрта асрлар бошқа тиллардаги манбаларида ҳам кузатилади) келиб чиқиб, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг 1211-ва 1212-йилларда қорахитойлар билан бўлган урушда уларга қарши фақатгина 400 минг отлиқ қўшин қўйганлиги маълумоти эса умуман ҳақиқатга тўғри келмайди[5].

Худди юқоридагидек, яна бу маълумотлар хоразмшоҳнинг қўшин девони рўйхатлари билан ҳам тасдиқланишини, уларга кўра Бағдодга қарши юришда ҳам 400 минг отлиқ ва туя минган жангчи қатнашганлиги қайд қилинишини қайта – қайта таъкидлар экан, юқорида айтиб ўтганимиздек ўша девон дафтарларининг ўзи борми ёки ҳозир уларнинг қаерда сақланиши ҳақида умуман оғиз очмаган[5]. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ўша давр манбаларида эътироф этилганидек, от энг қиммат товар бўлганлигини ҳисобга олсак, шунча отлиқ қўшин қандай ташкил қилинган бўлиши мумкин. Бу ҳам мантиққа тўғри келмайди.

Унинг, “Ҳатто давлат таназзулга учраган даврда ҳам хоразмшоҳ Жалолиддиннинг Ҳиндистонда 90 минг отлиқ жангчиси бўлган, аммо Кавказ ерларига бостириб кирган даврларида унинг 200 минг отлиқ жангчиси бор эди. 1227 йилда мўғуллар билан Исфахон яқинидаги жангда эса унинг ихтиёрида 100 мингдан ортиқ отлиқ ва пиёда жангчи бўлган.”[5], - қабилидаги маълумотлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Унинг яна: “Шубҳасиз, оғир, енгил отлиқлар ва туя минган жангчилар, шунингдек пиёда ва кўнгилли лашкарлардан ташкил топган шундай улкан ва қудратли қўшинга ундан кам бўлмаган ёрдамчи кучлар бириктирилган. Улар ҳаракатдаги қўшинни ўқ-дори, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, пул ва ем-хашак билан таъминлаган.”[5], деган фикридан келиб чиқиб, хоразмшоҳлар қўшини ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш лозим. Жумладан, агар қорахитойларга ва Бағдод халифасига қарши урушда 400000 отлиқ жангчи қатнашган бўлса, унда бу юришда камида 1 000 000 дан ортиқ одам (чунки яна бир ерда уларнинг оилалари ҳам қатнашган деган маълумот келтириб ўтилган), отлиқ жангчи бўлганлигини ҳисобга олсак 400000 от, қўшин озиқ – овқати учун ишлатиладиган 100 минглаган қорамоллар, қўйлар ва қанчадан – қанча аравалар қатнашган бўлиб чиқади. Шундай қўшиннинг қандай ҳаракатланишини тасаввур қилиб кўрингчи. Буларни тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмайдику. Зеро, ҳозирги кун шароитида ҳам (яъни, замонавий ҳарбий гарнизонлар, базалар ва бинолар, улкан совутгич ва холодильниклар мавжудлиги, аҳолининг кўпайиб, тушадиган солиқлардан бюджет даромадининг анча кўпайганлиги шароитида) бундай қўшинни сақлаш ва уни таъминлаш, боқиш масаласи қийин масала ҳисобланади.

Матбуот маълумотларига таяниб таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирда 33 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистоннинг армияси 65 минг бўлгани ҳолда, ҳарбий резерв ҳам 300 000 кишини ташкил қилади холос. У даврда улкан хоразмшоҳлар империясининг барча ҳудудларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам аҳолининг умумий сони кўпи билан 10 – 12 миллион кишини ташкил қилганлигини ҳамда қўшиннинг асосан ёлланма

қўшиндан иборатлигини ҳисобга олган ҳолда ва ниҳоят ёзма манбаларда оддий аҳолининг жанг майдонларига жалб қилинганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хоразмшоҳларнинг бунча қўшинга эга бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди.

Тадқиқотчи С. Сабурова Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати тарихига бағишланган тадқиқотида ҳам З. Буниёдов ва Ойдин Тонарий асарларидан фойдаланиб, мазкур масала борасида баъзи – бир хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган, аммо, унда ҳам илмий таҳлил кузатилмайди ва тугал хулосалар чиқарилмагани[4] ҳолда, Ф. Ҳасанов ўзининг "Турон халқлари ҳарбий санъати" асарида З. Буниёдов китобидаги нафақат қўшин сонини, балки хоразмшоҳлар ҳарбий салоҳияти ҳақидаги маълумотларни, тўғридан – тўғри кўчириб қўя қолган[6].

Закария ал-Қазвинийнинг давлат пойтахти Гурганж шаҳри аҳолиси ҳақидаги маълумотларини эса кўпчилик тадқиқотчилар бошқа маънода, яъни Гурганж шаҳрининг барча аҳолиси доимо ҳарбий хизматга шай (яъни ҳозирги заҳирадаги қўшинлар каби) аскарлардан иборат бўлган деб тушунадилар. Жумладан, Закариё Қазвиний бундай деб ёзади: "Жуда кўп аҳолига эга бўлган бу улкан шаҳарнинг барча аҳолиси аскарлардир, ҳатто баққол, қассоб, нонвой ва бўзчилари ҳам аскарлардир. Айтишларича, қорахитойлар (аслида ғурийлар) билан бўлган жангларнинг бирида султон Муҳаммад ибн Текеш енгилиб, шаҳарда бекиниб олган. Султон унча кўп бўлмаган одамлари билан қочган. Буни ҳеч кимга билдирмаслик учун у шаҳарга кечаси кирган. Тонг отганда у шаҳардан 30 минг отлиқ аскар билан чиқиб, душманга қарши йўл олган"[2].

Аммо, В.В. Бартольднинг ўз асарида Авфий маълумотига таяниб билдирган фикрига кўра, аслида бундай ҳолат малика Туркон Хотуннинг ҳийласи бўлган. Яъни, Туркон Хотун шаҳарни қамал қилаётган ғурийларга шаҳарда асосий қўшиннинг йўқлигини билдирмаслик учун шаҳар аҳолисининг барчасини ёлғондакам "қуроллантирган" ҳамда шу орқали душманга Хоразм жангчиларининг беҳисоблигини кўрсатиб, уни қамал мақсадидан қайтариш учун шундай қилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу қурол – яроғлар ҳақиқий бўлмаган, жумладан дубулғалар қоғоздан ясалган[2]. Закариё Қазвинийнинг юқоридаги фикрини эса айнан шу маънода тушуниш керак. Муҳаммад Хоразмшоҳ шаҳарга кириб келганда эса унинг бор йўғи юзта жангчиси бўлган. Унинг тонг отганда 30000 отлиқ аскар билан чиқиб кетганлиги воқеасида ҳам қўшинлар сонини ошириб кўрсатиш анъасига дуч келамиз. Қолаверса, воқеалар ривожида бу қўшинлар ҳам турли томонларга қочиб кетиб, кейин келиб йиғилган қўшин бўлганлиги кўриниб турибди[2].

Давлат хазинасидан олинган маблағлар ва уларнинг сарфи тўғрисидаги барча ҳужжатлар қўшинга оид бошқарув ишлари билан шуғулланувчи девони арз вазирлиги девонида сақланган. Аммо, бу дафтарлар бизгача етиб келмаган ва фақат бирор – бир воқеага боғлиқ ҳолда баъзи ёзма манбаларда бу дафтарлар маълумотлари келтириб ўтилган. Аммо, уларнинг маълумотлари доимо ҳам ишончли бўлавермаган. Порахўрлик авж олган даврда бу дафтарларда маълум вилоятлардан тўпланадиган қўшинлар сони атайин ошириб кўрсатилган дейишга тўла асослар бор. Чунки, аскарлар сонини кўпайтириш орқали иложи борича давлат уларга тўланиши лозим бўлган пулларни алдов йўли билан кўпроқ ундиришга ҳаракат қилган бўлишлари табиий. Шу ўринда, Жувайнийнинг хоразмшоҳлар қўшини қандай сафарбар қилинганлиги ёки тўпланганлиги ва сифат даражаси қандай бўлганлигини яққол очиб берувчи қуйидаги маълумотларини келтириб ўтиш ўринли бўларди: "...Агар ҳукмдор бирор давлатга ҳужум уюштирмоқчи бўлса, ёки аксинча бирор бир душман ҳужум қилса, бунга зарур қўшинни тўплаш учун ойлар, йиллар кетарди ва аскарларнинг, лашкарбошиларнинг маошини тўлаш ва уларни озиқ – овқат билан таъминлаш учун эса лиқ тўла хазина бўлиши лозим бўларди. Маош ёки қўшимча устама олиш даврида аскарлар сони юздан ва ҳатто мингдан ошиб кетарди. Аммо, жанг қилишга тўғри келган пайтда, жанг майдонида улардан ҳеч кимни топиб бўлмайди ва қўшин сафи бўшаб, камайиб қоларди....Яна бу мамлакат амирлари ўз эҳтиёжларини атайин ортиқча қилиб кўрсатадилар, аскарлари сонини ҳам атайин кўп қилиб кўрсатадилар. Ҳисоб пайтида эса кўп ҳийлаларни ўйлаб топишади"[7]. Шу жиҳатдан олганда, З. Буниёдов назарда тутган қайд дафтарларидаги қўшин сони фақат рўйхатда бор-у, амалда шу келтирилган соннинг ярмидан ҳам озини ёки чорак қисмини ташкил қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам юқорида, З. Буниёдов ва С. Сабуровалар ўз тадқиқотларида ёзма манбалар маълумотларига таяниб кўрсатиб ўтган хоразмшоҳ – ануштегинийлар ҳарбий тизими, қўшинлари сони ҳақидаги маълумотларидан эҳтиётроқ бўлиб фойдаланиш лозимлиги таъкидланган.

**Хулоса ва таклифлар**. Юқоридагиларнинг барчасидан умумий хулоса чиқарадиган бўлсак, шу пайтгача хоразмшоҳларнинг қўшини сони ва турларининг ҳарбий салоҳияти ҳамда сифати даражаси тўғрисидаги мавжуд маълумотларни қайтадан кўриб чиқиш лозим. Зеро, кўпгина маълумотларни таҳлил қилиш жараёнидан кўриниб турибдики, хоразмшоҳлар қўшинининг барча турлари – вилоятлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимлари ва қабила – уруғлар хонлари ва беклари қўшинлари, шу жумладан, Жалолиддин Мангуберди қўшини ёлланма бўлиб, уларнинг жангаворлик салоҳияти ўта интизомли ҳамда ҳамма жангчилар, ҳатто лашкарбошилари бир хил мавқеда бўлган мўғул қўшинига нисбатан анчайин паст бўлган. Қўшини сони кўп бўлгани ҳолда, унинг этник таркиби турли – туман ва интизомсиз ёлланма қўшинлардан иборат бўлганлиги хоразмшоҳларнинг, жумладан, Жалолиддин Мангубердининг мўғуллардан енгилишининг ҳал қилувчи сабаби бўлмасада, воқеалар жараёнига етарлича таъсирини ўтказа олганлиги тарихий ҳақиқатдир. Шу билан бирга, мўғул босқини даврида хоразмшоҳ – ануштегинийлар қўшини сони масаласи хоразмшоҳларнинг ёки Жалолиддин Мангубердининг мўғуллардан енгилиши муаммосининг ечимларидан ҳам бири ҳисобланиб, бу масалани чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда якуний хулосалар чиқариш долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР


1. Рохмистров В.И. Битва на реке Инд – Чингизхан наносит поражение армии хорезмшаха Джелал-ад-Дина (1221 год).// В кн.:Великие сражения Востока: сборник./ ред.-сост. Светлов Р.В. – М.: Яуза: Эксмо, 2009. – С.166-190.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия //В.В. Бартольд. Сочинения. Т. 1. – М.: "Наука", 1963. – 760 с.
3. Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. (Турк тилидан Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси). Т.: Шарқ, 1999. – 128 б.
4. Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй.). "ИФЕАК иш ҳужжатлари" сериясидан. №32, октябрь. – Т.: Nihol, 2008. – 162 б.

5. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. – 256 б.
6. Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. – 440 б.
7. Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо.(Жаҳон фотиҳи тарихи)./ Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, М. Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2015. – 504 б.
8. Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёқубов таржимаси./ – Т.:: O’zbekiston, 2006. – 384 б.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
Social sciences

**УДК:944.385**

***Сойиб САФАРОВ,***
*Тошкент давлат техника университети таянч докторанти*
*E-mail: soyib.safarov.88@bk.ru*

*ЎзМУ доценти, т.ф.н., А.Холиқулов тақризи асосида*

## IN THE YEARS OF INDEPENDENCE IN KASHKADARYA REGION DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR

Abstract
The history of tourism dates back to the beginning of the 19th century. Initially, organized tourism was organized from England to France. In 1843, the English clergyman Thomas Cook, considered the founder of tourism, organized railway tourism. After that, he formed his own private tour company and in 1866 the first tour groups were sent to the USA. In the East, the Arab traveler Ibn Battuta, from the age of 21, traveled almost all the countries of East and North Africa on foot. The trips of the first tourists in Movarounnahr became active during the period of Amir Temur and the Timurids. During this period, peace and trade along the Great Silk Road led to a boom in tourism. Since tourism has become an integral part of the economy of the world countries, the work carried out in this direction in the region was studied.
**Keywords:** tourism, excursion, tour operators, guesthouses, guide, status, tourists.

## В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ РАЗВИТИЕ ТУРИСТИЧЕСКОГО СЕКТОРА

Аннотация
История туризма восходит к началу 19 века. Первоначально организованный туризм был организован из Англии во Францию. В 1843 году английский священник Томас Кук, считающийся основоположником туризма, организовал железнодорожный туризм. После этого он организовал собственную частную туристическую компанию, и в 1866 году в США были отправлены первые туристические группы. На Востоке арабский путешественник Ибн Баттута с 21 года обошел пешком почти все страны Восточной и Северной Африки. Поездки первых туристов в Мовароуннахр активизировались в период правления Амира Темура и Тимуридов. В этот период мир и торговля вдоль Великого шелкового пути привели к буму туризма.
Поскольку туризм стал неотъемлемой частью экономики стран мира, была изучена работа, проводимая в этом направлении в регионе.
**Ключевые слова**: туризм, экскурсия, туроператоры, пансионаты, гид, статус, туристы.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация
Туризмнинг тарихи XIX аср бошларига бориб тақалади. Дастлаб Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган. Туризмнинг асосчиси ҳисобланмуш инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 йилда темир йўл сайёҳлигини ташкил қилди. Шундан сўнг ўзининг хусусий туристик компаниясини тузди ва 1866 йил дастлабки сайёҳлик гуруҳлари АҚШга жўнатилди. Шарқда араб сайёҳи Ибн Баттута 21 ёшидан бошлаб деярли Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларини пиёда кезиб чиқди. Мовароуннаҳрда илк сайёҳларнинг сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашган. Бу даврда Буюк Ипак йўлидаги тинчлик ҳам савдо ҳам сайёҳлик соҳасида кескин ўсишга олиб келган. Ҳозирги кунда туризм дунё давлатлари иқтисодининг ажралмас қисмига айланганлиги сабабли, вилоятда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар тадқиқ қилинди.
**Калит сўзлар:** туризм, экскурсия, туроператорлар, меҳмон уйлар, гид, мақом, сайёҳлар.

**Кириш.** Ўзбекистонда мамлакат тараққиётининг янги босқичида анъана ва қадриятларни тиклаш, аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва уларнинг жаҳон туризм йўналишидаги нуфузини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг жанубий воҳасида жойлашган маданий мерос объектлари нафақат республика, балки жаҳон туризми йўналишида алоҳида ўрин тутади ва нуфузли мавқега эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 март куни 112-сонли “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори[1] қабул қилинди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишига мустақилликнинг илк кунлариданоқ эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди[2]. 1993 йилда Жаҳон туризм ташкилоти томонидан Индонезиянинг Бали шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга аъзо бўлди. Тадқиқотчи З.Гаибназарова қайд этадики, туризмда сайёҳлик алмашинуви муаммоси нафақат алоҳида мамлакатлар ривожланишининг ички таркибий қисмларига, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий фаолият соҳаларига, балки давлат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатадиган фаолият тури бўлганлиги сабабли жуда долзарбдир. Туризм дам олиш билан боғлиқ ҳодиса сифатидаги анъанавий ғоясидан ташқарига чиқиб, кенг қамровли халқаро иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар алоқалар хизматларни қамраб олганлиги сабабли уни давлатнинг турли соҳаларига таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, туризм жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи, рентабеллик бўйича эса учинчи ўринда туради. Унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10%ни

ташкил этади[3]. Шунинг учун ҳам аксарият мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантириш билан иқтисодий ва маданият соҳалари ривожини таъминлашни белгилайдилар.

**Тадқиқот методологияси**. 1999 йил 20 августда “Туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун қабул килиниши республикамизда туризмни ривожлантиришнинг қонуний асосини яратиш билан бирга туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш масаласини қўйди. Бундан ташқари туризмни ривожлантиришга каратилган қатор қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиниши туризмни барча турларини босқичма-босқич ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб берди. Чунки республикамиз жаҳон мамлакатлари ўртасида туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги ички ва хорижий туристларни ўзига жалб этаётганлиги билан характерланади. 1999 йил Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, 2001 йил 39 августда “Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

**Таҳлил ва натижалар**. 2002 йилда туризм соҳасида “Қашқадарёсайёҳ” ХЖ, “Шаҳрисабзсайёҳ” ХЖ, “Китобсайёҳ”, “Кештурист” ва “Шаҳрисабзтурист” хусусий фирмалари фаолият кўрсатиб, уларнинг иши танқид остига олиниб, 2002 йилда режа асосида белгиланган вазифалар бажарилмагани қайд этилган. Шунингдек, кўрсатгичларда 55.386 минг сўмлик туристик хизматларда 2.351 минг сўм фойда олингани, 47.6 минг сайёҳатчига хизмат кўрсатилган, шу жумладан чет элдан 800 сайёҳатчи қабул қилинган қайд этилган. 2002 йилда хизматлар ҳажми 65,2%га, фойда 58,8%га бажарилган холос[4].

2004 йил 3 августда туризм бошқармасиннг берган ҳисоботида вилоятда туризм соҳасида “Ўзбектуризм” миллий компанияси вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси, “Қашқадарёсайёҳ” ва “Orient Star Shahrisabz” МЧЖ, “Nasaf Travel” туристик компанияси, “Китобсайёҳ” ва “Шаҳрисабзтурист” хусусий туристик фирмалари фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилнинг 6 ойи давомида вилоятда туристик ташкилотлар томонидан 53 млн. сўмлик хизматлар бажарилган, чет эллик сайёҳатчиларга Шаҳрисабз шаҳрида хизмат кўрсатилмоқда. Маҳаллий йўналишлар бўйича 3 мингдан зиёд сайёҳатчи сайёҳат қилди. Уларнинг 70 % ини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Асосий ташриф жойлари Дорултиловат, Дорилсаодат, Оқсарой майдони, Чубин мадрасасидаги тарихий музей, Чорсу бозори ва бошқа тарихий ёдгорликларни томоша қилишган[5].

Туристик ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимининг 2003 йил 17 апрель Х-138/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Вилоятда 2003-2005 йилларда туризмни ривожлантириш Дастури”ни ижро этиш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси томонидан қилинган прогнозда рақамлар қуйидагича келтирилади:

| | 2003 йилда умумий | Июль | Август | Сентябрь | жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Хизматлар ҳажми минг сум<br>фойда ҳисобида | 7340,0<br>380,0 | 7440,0<br>390,0 | 7430,0<br>380,0 | 22300,0<br>1120,0 |
| 2. | Одам сони минг киши | 4,8 | 5,0 | 5,0 | 14,8 |
| 3. | Экспорт хизмат<br>минг АҚШ доллари | 6,0<br>13,7 | 6,2<br>13,7 | 6,2<br>13,6 | 18,4<br>41,0 |

| | Ўзбектуризмга тегишли ташкилотлар хизмат ҳажмлари ҳақида маълумот<br>Ташкилот номи | 2003 йилда бажарилган иш ҳажми | Шу жумладан сайёҳлик хизмати |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбектуризм миллий компанияси вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси | 3477,0 | 3477,0 |
| 2. | Қашқадарёсайёҳ МЧЖ | 34996,0 | 7910,0 |
| 3. | Китобсайёҳ фирмаси | 3447,7 | 1997,7 |
| 4. | Шаҳрисабзсайёҳ МЧЖ | 51874,8 | 14313,1 |
| | Жами | 93795,6 | 27697,8 |

Рақамлар ҳам кўрсатиб турибдики, кейинги йилларда ўсиш ҳолатини кузатишимиз мумкин. Жумладан, 2004 йилда вилоятда 4 та туристик ташкилот ва меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 12 тага кўтарилган. Туристик ва меҳмонхона хизматлари ҳажми 2004 йилда 124.205.9 минг сўм, 2005 йилда 189.903.4 минг сўм, 2006 йилда 236.929.0 минг сўмни ташкил этган[6].

2005-2015 йиллар давомида туризм соҳасини ривожлантиришга доир қарор ва ҳукумат қонуний ҳужжатлари қабул қилиниб, унга кўра Қашқадарё воҳасида туристик ва сайёҳатлар бюроси томонидан салмоқли ишлар олиб борилди. Жумладан, хорижий туристик фирмалар билан тажриба алмашиш дастурини йўлга қўйиш, турфирмалар томонидан сайёҳларни жалб қилишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш, дам олиш табиат экотуризм соҳасида вилоятнинг янги йўналишлари: Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Муборак шифобахш сувлари ва дам олиш масканларини киритиш, “Кўпкари − улов уйинлари” фестивалини ташкил қилиш, меҳмонхона хизматларини яхшилаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, гид-таржимонларни малакасини ошириш, туристик инфратузилмани ривожлантириш ишлари яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2015 йил 9 мартдаги “Йўл хизматлари ва туристик инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруқ ва 2016 йил 2 декабрда туризм соҳасида туб бурилиш даврини бошлаб берган қонун сифатида Ўзбекистон Республикаси Призидентининг ПҚ-2666 сонли “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги” Қарори ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида “Ўзбектуризм” миллий компанияси тугатилиб, унинг ўрнига “Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси” ташкил этилди[7].

ЎзР Президентининг “Ўзбек миллий мақом санъатини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391 сон қарори ижросини таъмиинлаш, шунингдек, халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми миллий мақом санъатининг қадимий ва ўрта асрлардаги тарихи, замонавий ижодий анъаналари, асрлар давомида моҳир бастакорлар, ҳофиз ва

созандаларнинг ижодий тафаккури билан сайқал топиб бораётган ноёб санъат намуналарини музей экспозицияси орқали ҳалқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида ВМнинг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида “Мақом музейи” фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, 2018 йил 6 августдаги 621 сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Призиденти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 10-11 октбярь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида “Одина жомеъ масжиди”да амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, ҚарДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотира музейи” ўз фаолиятини ушбу масжидда давом эттириши бўйича ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Бугунги кунда бу музейда 11 та бўлим, 4 та зал ўз фаолиятини олиб бормоқда. Яқин ўтмишгача қамоқхона вазифасини бажарган ушбу жой ҳозирги кунда гўзал масканга айланган ва инсонларни руҳан ва маънан дам олиш маскани сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда туристик салоҳиятни юксалтириш, унинг ривожланиши учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида ВМнинг 2017 йил 23 ноябрдаги қарорига мувофиқ, туристлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида 2018 йил 1 январдан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди[8]. Ҳозирда Шаҳрисабз музей қўриқхонаси ҳудудида “Tourism police” ўз фаолиятини олиб бормоқда.

2018 йил 16-17 март кунлари Китоб тумани Қайнар қишлоғида тоғ ён бағирларида “I Халқаро кўпкари ўйинлари”, 21-22 март кунлари Шаҳрисабз шаҳрида “II Халқаро Миллий либослар фестивали” бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Шанхай хамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси” нодавлат ташкилоти ўртасида ““Таълим ва туризм алмашинуви “халқ дипломатиясини” ривожлантириш учун Ўзбекистонда ва ШҲТ мамлакатларида маданий ва ижодий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисидаги” меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли қарорига асосан: Вилоятнинг туристик салоҳияти, миллий маданияти, миллий кийимлари, ўйинлари ва урф одатлари тўғрисида ZO'R TV, MY5, Dunyo bo'ylab телеканали билан ҳамкорликда Варганза, Ҳазрати Башир, Ғелон, Сувтушар, Сарчашма қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари тўғрисида кўрсатувлар тасвирга олинди. Россиянинг РенТВ, Қозоғистоннинг KazakTV, Эроннинг Channal 1, Ҳиндистоннинг "Emmy Entertainment" канали ижодкорлари Шаҳрисабз шаҳрида суръатга олиш ишларини амалга оширди. Sevimli ва BBC телевидениялари ҳамкорликда “Катта Лангар Қуръони” ҳақида хужжатли фильм суратга олинди[9].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 631-сонли қарорига асосан: Қашқадарё вилоятида хозирги кунга қадар жами 41 та меҳмон уйлари ташкил этилган бўлиб, кун сайин уларнинг сони ортиб бормоқда. Улардан Қарши шаҳрида 4 та, Шаҳрисабз шаҳрида 33 та, Китоб туманида 2 та, Шаҳрисабз туманида 1 та ҳамда Чироқчи туманида 1 та меҳмон уйлари фаолият олиб бормоқда[10].

Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида салмоқли натижаларга эришилди: Маданий меъроc объектлари, зиёратгохлар, архитектура ёдгорликлари, археологик обидалар, музейлар жами 1321 та, меҳмонхоналар 54 та ва хоналар 2285 та, Хостел 1 та, уй меҳмонхоналари 42 та, санаториялар 4 та, туроператорлар 20 та, гидлар 26 та, туристик автотранспорт корхоналар 3 та, Ахборот марказлари 26 тани ташкил қилмоқда[11].

Вилоятга 2019 йилда 1.500.000 маҳаллий ва 144.200 га яқин хорижий сайёҳлар ташриф буюриб, шундан 2.400.000 АҚШ $ маблағлар туристлар орқали келиб тушган. Вилоятимиздаги 3 та сув омбори, 8 та ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишларига асосан туризм зоналарига айлантирилди.

2020 йилнинг ўтган даврида туризм соҳасида амалга оширилган ишлар ва лойиҳалар тўғрисида: Қашқадарё вилояти тарихида илк бор инглиз тилидаги “Inside Kashkadarya” журнали Amazon.com орқали АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатларида сотувга қўйилди. Вилоятнинг туристик, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётини ёритишга мўлжалланган журналнинг илк сони Қашқадарёнинг туризм салоҳиятига бағишланди. Бунда воҳанинг зиёрат, эко, этно ва экстремал туризм йўналишлари кенг очиб берилди.

2020-2021 йилларда коронавирус пандемияси даврида вилоятга 95 та хорижий давлатлардан 144,2 минг нафардан ортиқ хорижий туристлар ташриф буюриб, 2018 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошган. Ички сайёҳлар сони ўтган 2019 йилда 1 млн. 650 минг нафарни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 150 минг нафарга ошган. Қашқадарёга 2020 йилнинг 8 ойи давомида 7.100 нафар хорижий сайёҳлар, 48.000 нафардан ортиқ маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрди. Бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан анчайин паст кўрсаткичдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165 сонли Фармони ҳамда 2021 йил 6 апрелда ПФ-6199 сонли “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Туризм ва спорт вазирлиги фаолияти ташкил этилди. Мазкур вазирликнинг мақсади юртимизнинг барча ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантириш ушбу йўналишда инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳамда Янги Ўзбекистонда турли соҳалар сингари туризм йўналишида ҳам юқори натижаларга эришишдир.

**Хулоса ва таклифлар.**Умуман, Қашқадарё вилоятида маданий мерос объектларини сақлаш ва уни жаҳон туризми дурдоналарига қўшиш ишида олиб борилаётган ишлар ижобийдир. Вилоятнинг мазкур объектлари ички ва ташқи туризм соҳасига ўз ҳиссасини қўшмоқда ва аҳолининг иқтисодий ривожланишига ҳам таъсир қилмоқда. Республикада халқаро ва республика миқёсида ўтказилган юбилейлар тарихий маданий мерос объектларини ўрганишни ва сақлашни янги поғонага кўтарди. Худуддаги энг асосий маданий мерос объектлари Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида жойлашган бўлиб, улар археологик ва меъморчилик нуқтаи назаридан яхши ўрганилган. Эндиги вазифа мазкур объектларни талаб даражасида сақлаш ва дунёга танитиш ишини йўлга қўйиш вазифалардан бири бўлиб қолади.

## АДАБИЁТЛАР

1. “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини янада қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.03.2021 й., 09/21/112/0171-сон,

Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон, 21.05.2022 й., 09/22/278/0439-сон; 06.08.2022 й., 09/22/431/0716-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-447 сон Фармони // Халқ сўзи. 1992 йил 27 июль.
3. Гаибназарова З. Перспективы развития туристического потенциала Узбекистана // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. Том 10. Выпуск 1. С. 94-104.
4. Қашқадарё вилоят давлат архиви. 475-жамғарма, 1-рўйхат, 30-йиғмажилд, 8 варақ
5. Қашқадарё вилоят давлат архиви. 475-жамғарма, 1-рўйхат, 37-йиғмажилд, 19-22 варақлар.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви. 475-жамғарма, 1-руйхат, 63-йиғмажилд, 294-295 варақлар.
7. Заседание Комитета по международным делам и межпарламентским связям Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан в Самарканде. Пресс служба Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма. 23 декабря 2016 г. Названы главные проблемы развития туризма в Узбекистане // Podrobno.uz. 5 июля 2018 г. Обсуждается проект Концепции развития туризма // Газета.uz. 2017. 22 февраля.
8. Хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари туристларга нисбатан жииноят содир этилишига йўл қўймаган // uza.uz 2019 йил 12 июнь.
9. Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. − Қарши шаҳри, 2022 йил 10 август.
10. Назаров М.И., Жумаев Х.Ҳ. Қашқадарё вилоятининг сайёҳлик йўналишлари географияси // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. 134-138 бетлар
11. Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида тезислар. − Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. Қарши шаҳри. 2021 йил ноябр.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/12/1]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 32-328

***Саодат УБАЙДУЛЛАЕВА,***
*К.п.н, преподаватель Ташкентского государственного университета востоковедения*
*E-mail:sadulya75@mail.ru*

*Рецензент: PhD О.Алмардонов*

## ИССЛЕДОВАНИЕ СИСТЕМЫ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Аннотация
В статье анализируются состояние и перспективы исследования проблемы формирования комплексной системы региональной взаимосвязанности в обеспечении региональной безопасности (на примере Центральная Азия), его теоретико-методологические основы, которые изучены на основе научных исследований и литературы, опубликованных экспертами-политологами, учеными, исследователями, а также материалов средств массовой информации и интернета за последние 30 лет.
**Ключевые слова:** Центральная Азия, система региональной безопасности, региональные проблемы, комплексная взаимосвязанность, проактивная региональная политика.

## STUDY OF THE REGIONAL SECURITY SYSTEM OF CENTRAL ASIA AT THE PRESENT STAGE

Abstract
The article analyzes the state and prospects of studying the problem of forming an integrated system of regional interconnections in ensuring regional security (on the example of Central Asia), its theoretical and methodological foundations, which are studied on the basis of scientific research and literature published by political experts, scientists, researchers, as well as materials of the media and the Internet over the past 30 years.
**Key words:**Central Asia, regional security system, regional problems, formation of interconnections, integrated system, proactive regional policy.

## ҲОЗИРГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Аннотация
Мақолада минтақавий хавфсизликни таъминлашда минтақавий ўзаро боғлиқликнинг комплекс тизимини шакллантириш муаммосини (Марказий Осиё мисолида) ўрганишнинг ҳолати ва истиқболлари, унинг назарий ва услубий асослари таҳлил қилинади. Сўнгги 30 йил ичида сиёсатшунослар, олимлар, тадқиқотчилар томонидан нашр этилган адабиётлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет материаллари асосида илмий хулосалар қилинади.
**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, минтақавий хавфсизлик тизими, минтақавий муаммолар, мураккаб ўзаро боғлиқлик, фаол минтақавий сиёсат.

На сегодняшний день в условиях возрастания современных глобальных вызовов и угроз актуализируются вопросы формирования механизмов системы комплексной взаимосвязанности в Центральной Азии для обеспечения региональной безопасности, где безопасность каждый из стран является безопасностью всего центральноазиатского региона. Подчеркивая актуальность вопросов обеспечения региональной безопасности Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев отметил, что «безопасность неделима, и её можно обеспечить лишь совместными усилиями. Мы не должны, а точнее, не имеем права воспринимать одни угрозы «своими», а другие – «чужими»»[1].

В данном контексте следует отметить, что в Центральной Азии сложилась сложная конфигурация угроз региональной безопасности и стабильности, требующая изучение данной проблемы посредством научно-методологического анализа.

Во-первых, все государства Центральной Азии продолжают сталкиваться с угрозами терроризма, экстремизма и радикализма. Настораживающим является рост радикализации молодёжи и женщин. Наблюдаемый конфликт между консервативными и современными религиозными ценностями, а также отсутствие социально-правовой защищённости являются основными причинами формирования среди молодежи радикально-деструктивных настроений и идей.

Во-вторых, попытки втягивания стран региона в различные геополитические игры по формированию множества дублирующих друг друга проектов, попадания в разного рода политическую и экономическую изоляцию, недопущения их полноправного участия в решении ключевых региональных проблем. Во всех странах Центральной Азии вызывают серьёзное беспокойство участившиеся попытки превращения региона в зону распространения традиционных и нетрадиционных угроз безопасности, что требует принятия конкретных мер для их нейтрализации на национальном, региональном и международном уровнях.

В-третьих, растёт объём незаконного оборота наркотиков, а также его производство в Афганистане. Тяжёлое положение подавляющей части населения Афганистана и крайне низкая эффективность международных усилий по содействию восстановления экономики этой страны являются причиной продолжающегося участия афганцев в выращивании и производстве наркотиков.

В-четвёртых, имеется ряд проблемных вопросов в сфере трансграничных чрезвычайных ситуаций. По данным ЕС, в регионе находится около 1 миллиард тонн радиоактивных захоронений, большинство из которых находится в густонаселённых и подверженных стихийным бедствиям районах Ферганской долины. По прогнозам специалистов, в случае попадания радиоактивных

материалов в бассейны трансграничных рек Центральной Азии, это угрожает здоровью 5 миллион человек.

В-пятых, наблюдается повышение рисков стихийных бедствий ввиду климатических изменений, последствия которых, по прогнозам экспертов, страны Центральной Азии ощутят к 2050 г. К концу XXI века средняя температура в Центральной Азии повысится на 7 градусов Цельсия[2] Наибольшее повышение температуры воздуха ожидается в Приаралье. По оценкам аналитиков, Центральной Азии это угрожает, прежде всего, таянием горных ледников, питающих основные реки региона. По прогнозам, при повышении температуры на 2 градуса ледники могут потерять до 50% в своём объёме, при потеплении на 4 градуса – до 78%, что может привести к дефициту пресной воды и росту случаев стихийных бедствий.

Существенное влияние на состояние системы комплексной взаимосвязанности оказывают геополитическое положение Центральной Азии, одним из главных показателей которого является трансграничный фактор, создающая благоприятные предпосылки для формирования новых экономических рынков, развития территориального разделения труда, организации условий для торговли, обеспечения свободного движения капиталов, трудовых ресурсов и товаров, странами региона. Это будет способствовать развитию регионализма в Центральной Азии, укрепляющей систему безопасности. [3]

Нахождение общих путей решения вызовов и угроз в рамках комплекса взаимосвязанности в Центральной Азии для обеспечения региональной безопасности актуализирует разработки консолидированных усилий между всеми странами региона по достижению единого регионального подхода для противодействия общим вызовам и угрозам.

В течении последних 30 лет, после обретения независимости, странам региона удалось противостоять вызовам и угрозам, возникавшим в рамках, как двусторонних, так и многосторонних диалогов, и форматов. Однако, по разным проблемам, прежде всего, регионального (водно-экологические, трансграничные, транспортной и другие), а также глобального (продовольственная, биологическая, радиационная и другие) характера не удалось выработать общерегиональные механизмы. Главными факторами стали отсутствие консенсуса между отдельными государствами и их разные подходы в сфере безопасности, а также внешние факторы, не позволившие консолидации усилий по данному вопросу. Как отмечает таджикский эксперт Ф.Мирзоев, достижения региональной интеграции по всем ключевым направлениям сотрудничества, учитывающего всех стран Центральной Азии будет содействовать развитию региона, могущего влиять на другие регионы, в том числе Южной Азии, Ближнего и Среднего Востока.

Страны Центральной Азии на протяжении длительного исторического периода связывали узы дружбы и родства. Как отмечают эксперты, важность Центральной Азии в международных отношениях связаны двумя факторами. Во-первых, Центральная Азия исторически была территорией оказавшая существенный и важный вклад в развитие социально-экономических, культурных и политических процессов в мире. Во-вторых, Центральная Азия из-за своего географического расположения всегда играла значимую роль в торговых и культурных обменах глобального масштаба. [4].

Общность истории, схожесть культур, традиций, языка и единство религии служат прочной базой взаимоотношений. Это является основными составляющими многопланового взаимодействия между странами Центральной Азии по всем ключевым направлениям сотрудничества. Эти вопросы становятся основными темами встреч между руководителями государств региона как в двустороннем, так и в многостороннем форматах. Об этом свидетельствует содержание состоявшихся в 2017-2021 годах многочисленных двусторонних переговоров руководителей стран Центральной Азии, а также их встреч в рамках многосторонних форумов в ООН, ШОС, СНГ и других.

